

А Ж Р И М

(*ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида*)

2025 йил апрель ойининг “28” куни жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи Ш.Мирзакиров, Ф.Қосимовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ўзбекистон туман прокурори ёрдамчиси Д.Усмонова, судланувчи Э.Хамрақулов ва унинг ҳимоячиси “Фар одил инсон ҳимояси” адвокатлар ҳайъати адвокати А.Жўраев, жабрланувчи Ж.Қобиловнинг иштирокида,

Хамрақулов Элёржон Умаралиевич (Хамрақулов Елюрҗон Умаралиевич), 1983 йил 28 ноябрда Фарғона вилояти, Ўзбекистон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, тадбиркор, Ўзбекистон тумани, Оқтепа м.ф.й., Ипак йўли кўчаси, 3-уйда яшайди, унга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 10 мартда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми билан судланувчига оид 1-1504-2501/73-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Э.Хамрақулов 2023 йил 27 декабрь куни ўзганинг мулкини алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, жабрланувчи Ж.Қобиловнинг ишончига кириб, унга тегишли бўлган “Тико” русумли 40 U 253 UA давлат белгили автомашинасини сотиб беришини айтиб, алдаб олдиндан 500 АҚШ доллари бериб, Марғилон шаҳрида яшовчи танишига 1.300 АҚШ долларига сотиб юбориб, пулларни Ж.Қобиловга бермасдан, ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Судланувчи Э.Хамрақуловга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши айблов далолатномаси билан айблилик масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.

Судланувчи Э.Хамрақулов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини тақдим қилиб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Ж.Қобилов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини тақдим қилиб, Э.Хамрақуловга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги,



унга бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмида назарда тутилган ҳуқуқий оқибатларини тушунгани ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 168-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқдор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи Ж.Қобилов ва судланувчи Э.Хамрақуловнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Ўзбекистон туман прокурори ёрдамчиси Д.Усмонова, химоячи А.Жўраевларнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи Э.Хамрақуловнинг айбига ихтиёрий иқдорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ва судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, Э.Хамрақуловга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шунингдек суд, жабрланувчи Ж.Қобиловга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлагандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми билан судланувчи Хамрақулов Элёржон Умаралиевич (Хамрақулов Елюржон Умаралиевич) ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жавобгарликдан озод қилинсин, мазкур жиноят иши ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан иш юритишдан тугатилсин.

Э.Хамрақуловга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчи Ж.Қобиловга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлагандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилсин.

Ажримдан норози тараф ажрим эълон қилинган кундан бошлаб шу суд орқали Фарғона вилоят судига ўн кун ичида апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида, шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

Ш.Мирзакиров

